

Д.Т.Мирзалиева,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
тадқиқотчиси

ҚУРЪОНШУНОСЛИК ИЛМИНИНГ ТАРИХИЙ-ИЛМИЙ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАСИГА ДОИР БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Самовий китоблар, хусусан, Қуръони каримнинг асосий мазмун-моҳияти ва вазифаси инсонларни ҳидоят йўлига бошлаш, улар маънавиятини такомилга етказиш, инсон ҳаётининг асл маъносини очиб беришдан иборат. Шундай экан, Қуръон ва ундаги мавзуларни илмий ўрганиш бугунги кундаги илм аҳллари олдида муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Муҳаммад пайғамбар замонидан бери ўтган ўн тўрт аср давомида бу соҳада араб, форс ва туркий халқлардан етишиб чиққан олимлар томонидан яратилган асарлар рўйхатининг ўзи бир неча ўнлаб жилдларни ташкил қилган. Масалан, инглиз олими Ч.А.Стори тузган кўп жилдли «Персидская литература» библиографик тўпламида¹ фақат форс тилидаги Қуръон ва пайғамбарлар тарихига оид асарларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхати бир неча юз саҳифани ташкил этади.

Қуръон илмлари, унинг маъноларини тушуниш ва талқин этиш босқичма-босқич тараққий этган. Масалан, III/IX асрда Абу Убайда Муаммар ал-Мусанно (ваф. 209/824 й.) «Мажоз ал-Қуръон» асари билан ушбу ном остидаги жанрнинг алоҳида илм сифатида қайд этилишига асос солган. Шу билан бирга, Ҳорис ибн Асад Муҳосибий (ваф. 243/857 й.) Қуръоннинг айрим илмларига бағишланган «Фаҳм ал-Қуръон»ни, Ибн Қутайба (ваф. 276/889 й.) «Мушкул ал-Қуръон» асарларини ёзганлар.

IV/X асрда Муҳаммад ибн Халаф ибн Марзабон (ваф. 309/921 й.) «Ҳовий фи улум ал-Қуръон» асарини яратгани ҳақидаги маълумотларга кўра, у биринчи бўлиб «Қуръон илмлари» атамасини ишлатганини тасдиқлаш мумкин. Чунки бу даврга қадар мазкур атама муомалага кирмаганди. Шунингдек, бу давр-

да Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий тафсирга бағишланган «Жомеъ ал-баён фи улум ал-Қуръон», Муҳаммад ибн Қосим Анборий (ваф. 328/939 й.) Қуръон илмларига бағишланган асарларини ёзганлар. Абу Бакр Сижистонийнинг (ваф. 330/944 й.) Қуръондаги тушуниш мушкул бўлган сўзларга бағишланган «Ғариб ал-Қуръон», Абу Бакр Боклонийнинг (ваф. 403/1012 й.) Қуръон услубидаги инсонларни ожиз қолдирадиган жиҳатларига бағишланган «Иъжоз ал-Қуръон», Ибн Ҳабиб Найсабурийнинг (ваф. 406/1015 й.) «Танбиҳ ала фазл улум ал-Қуръон», Али ибн Иброҳим Саъийд Ҳавфийнинг (ваф. 430/1039 й.) «Иъроб ал-Қуръон» асарлари алоҳида соҳалар бўйича дастлабки қадам бўлди².

IX/XVI асрда Жалолиддин Суютий «Итқон фи улум ал-Қуръон» номли қомусий асарини яратди. Суютий ўз давригача бўлган Қуръон илмларига бағишланган асарлардан истифода этган ҳолда, мазкур илмлар таърифларини бир жойга жамлаб, 80 номдаги Қуръон илмларини зикр этиб, уларга таъриф берган. Суютий Қуръон илмларини яхлит, мукаммал қамраб

¹ Стори Ч.А. Персидская литература (Био-библиографический обзор). – Т. 1. – М.: Наука, 1972. – С. 97-276.

² Абдуллаев А. Қуръоншунослик. – Т.: Тошкент ислом университети, 2011. – Б. 9-11.

олиш масаласига якун ясади. Чунки ундан кейин алоҳида ажралиб турадиган асар битилгани ҳақида маълумот мавжуд эмас.

1859 йилда, Қозон илоҳиёт академияси қошида очилган Шарқ тиллари кафедраси томонидан Қуръоннинг ҳукмий оятлари ҳақида хабар берувчи, ёки Қуръонда адабий, тарихий, ҳуқуқий диний соҳалар бўйича билдирилган оятларни шарҳлашга бағишланган китоб, яъни «Конкорданс» асари нашр этилди. Китоб муаллифи Қозон университетида дастлаб Форс кафедрасига асос солган форсшунос олим Мирзо Муҳаммад Али-Ҳожи Қосим ўғли Казембек (1802–1870 йй.) бўлиб, унинг Россияда яратган бу иши Россия исломшунослигининг ғарбча талқин ва қарашларидан узоқлашишга имкон яратди.

Бугунги кунда Манноъ Қаттоннинг «Мабоҳис фи улум ал-Қуръон» тадқиқоти замонавий Қуръон илмларини ўрганишда алоҳида ўрин тутиб келмоқда. Ушбу асар ўзига хос тартибда тузилган бўлиб, ҳозирга қадар исломшунослар томонидан муҳим тадқиқот сифатида фойдаланилади. 29 мавзудан иборат китобда 20 дан ортиқ Қуръон илмлари таърифланади. Асар бу йўналишдаги тадқиқотлардан Қуръон қиссалари алоҳида мавзу сифатида ўрганилгани билан ажратиб туради. Тадқиқот «Қуръон» мавзуси билан бошланиб, «баъзи машҳур муфассирлар таржимаи ҳоллари» билан якунланади.

Ҳозирда Қуръон қиссалари ва ундаги воқеалар тарихини ўрганишда араб олими Шавкий Абу Халилнинг «Атлас ал-Қуръон» асари машҳурдир. Бу асарда қисқа бўлсада, Одам пайғамбардан ислом тарихи давригача бўлган воқеа-ҳодисалар билан бирга, уларнинг хариталари ҳам келтирилган.

Ислом тарихи, хусусан, Қуръон мавзулари нафақат Шарқ халқлари, балки ғарб илм аҳли орасида ҳам азалдан эътибор қозонган бўлиб, бу соҳада VIII–XII асрлардан бери салмоқли ишлар амалга оширилган. Жумладан, Қуръон матнининг IX–X асрларда юнон тилига, XII–XIII асрларда лотин тилига таржима қилиниши

бу соҳага христиан дунёсидаги қизиқишнинг ёрқин намунасидир.

XIV/XIX асрга келиб, ғарбда Қуръон, у билан боғлиқ мавзу ва илмларнинг ўрганилиши билан янги босқич бошланди. Ушбу тадқиқотлар араб-мусулмон тадқиқотчиларининг Қуръон ва унинг илмларига юзага келган муаммолар ва саволлар асосида янгича ёндашувларини талаб этди. Мазкур икки тарафнинг Қуръон атрофидаги изланишлари унинг янада кенгроқ тадқиқ этилишига сабаб бўлди. Ғарб тадқиқотлари араб-мусулмон олимларининг Қуръонга доир масалаларда янги қараш ва фикрлари билан ойдинлик киритишларига туртки бўлди. Чунки ғарб шарқшунослари Қуръонга илмий-танқидий ёндашганлари сабабли, мусулмон олимлари ва оммаси томонидан тўлиқ тарзда қабул қилинмади. Балки улар энди танқидий қарашларга раддия, мушкул ўринларга изоҳлар беришга ҳаракат қила бошладилар. Баъзи ғарб олимлари хулосасига кўра, Қуръон насроний ва яҳудий дини билан алоқадор китоб. Чунки яҳудий ва христиан китобларида ҳам учраган Нух, Иброҳим, Лут, Довуд ва Мусо пайғамбарлар ҳақидагилар Қуръонда ҳам келган. Бу каби воқеалар Қуръоннинг 25 %ни ёки 1/4 қисмини ташкил қилади.

Ғарб олимлари Қуръонни ўрганишни аввал унинг таржимасидан бошлаганлар. Франциядаги монастир ислоҳотчиси Петр Достопочтенний 1141–1143 йилларда Испанияда бўлган ва у ерда араб тилини биладиган астролог билан учрашган. Улар иккинчи салб юриши учун Қуръонни лотин тилига таржима қилганлар.

1543 йилда Қуръон Т.Библиандро томонидан Швейцариянинг Базель шаҳрида лотин тилига таржима қилинди. Ундан сўнг 1547 йил италянчага ҳам таржима қилинди. 1649 йил Парижда унинг французча варианты чоп этилди. Қуръонни таржима қилишда турли хатоликларга йўл қўйилгани учун 1655–1667 йилларда Александр VII даврида Рим соборида унинг таржима нашрларини чоп этиш ман қилинди. Худди шу шароитда Германиянинг Гамбург

шаҳрида протестантлар руҳонийси Гессенский фанлар академиясининг профессори А.Гинкельман (1652–1695 йй.) томонидан Қуръонни арабча нашри «Alcoranus», яъни унда мусулмонларни ҳақоратловчи «ёлғончи пайғамбар асари» деган фикрларни ўз ичига олган таржима чоп этилди. 1612–1700 йилларда Людовик Мараччи томонидан Қуръоннинг лотин тилидаги таржимаси ва изоҳлари тайёрланди. У кейинчалик бир нечта ғарб тилларига ҳамда рус тилига таржима қилинди³.

XVII аср охирларида Европада том маънодаги илмий исломшунослик ривожлана бошлади. 1698 йилда Қуръоннинг асл араб матнининг лотинча таржимаси ва тафсиллари Падуа (Италия)да чоп этилди⁴, 1697 йилда Европада Бартелеми д'Эрбело томонидан «Шарқ кутубхонаси» номи билан биринчи жиддий ислом комуси нашр этилди⁵. 1844 йилда Г.Вейлнинг «Қуръон (матни)га тарихий-танқидий муқаддима» китоби, 1860 йилда Т.Нёлдекенинг «Қуръон тарихи» тадқиқоти босилди. XIX–XX асрларда ғарбда Э.У.Лейн (1801–1876 йй.), И. Гольдциер (1850–1921 йй.), Х.С.Хюргронье (1857–1936 йй.), А.Ламменс (1862–1937 йй.), А.Массэ (1886–1969 йй.), Г.Э.Фон Грюнебаум (1909–1972 йй.) каби, Россияда Г.С.Саблуков, Ч.Э.Торнау, В.Р.Розен, В.А.Жуковский, А.С.Крымский, В.В.Бартольд, А.Э.Шмидт, И.Ю.Крачковский, Н.В.Пигулевская, А.Г.Лундин, М.Б.Пиотровский, Е.А.Резван, С.М.Прозоров сингари қатор йирик исломшунос тарихчи олимлар етишиб чиқди.

Ҳозирги кунга келиб, ислом тарихини, айниқса, Қуръон ва мавзуларини илмий ўрганиш дунё миқёсида шу даражада оммалашиб кетдики, бу мавзуда чиқаётган адабиётларни ҳатто энг умумий тарзда қамраб олиш қийин. Лекин булар орасида рус тилида нашр этилган

Л.И.Климович⁶, М.Б.Пиотровский⁷, Е.А.Резван⁸, А.Алиев⁹ ҳамда Ричард Белл¹⁰нинг тадқиқотлари алоҳида ўрин тутади.

1993 йилда Германиядаги Мюнхен шаҳрининг Бавария нашриёти томонидан тўрт томлик «Қуръон маъноси ва илмлари» асари нашрга тайёрланди. Асарда ўрта аср ва замонавий мусулмон олимларининг Қуръон ва унинг илмлари ҳақидаги қарашлари келтирилган бўлиб, у Москванинг «Сауимо» нашриёти томонидан 2002 йил нашр қилинди¹¹. Немис исломшунос олими Франст Буль (1850–1932 йй.) «Муҳаммад ҳаёти» номли монографиясининг хулосасида Қуръон илк ислом тарихини ўрганишда муҳим манбалигини таъкидлаб, у камчилик ва хатолардан холи эканлигини қайд этган.

Будапешт университетининг профессори, Петербург фанлар академиясининг аъзоси, шарқшунос тадқиқотчи И.Гольдциер ва голландиялик олима Х.Снук-Хюргронье (1857–1936 йй.) фикрича, илк исломни тадқиқ этишда даставвал Қуръонни асосий манба тарзида ўрганиш муҳим. Агар исломшунослик тадқиқотларида Қуръон асосий манба қилиб олинмаса, ишда камчилик ва хатоларга йўл қўйилиши мумкинлиги, илк ислом тарихини ўрганишдаги кемтикликни бартараф қилишга Аллоҳ сўзининг таржималарини билиш орқали етиб борилишини айтганлар. Бу каби фикрларини И.Гольдциер «Исломдан маърузалар» китобида келтириб ўтган. Китобнинг фактик материалларга бойлиги муаллиф нафақат ғарб манбалари, балки араб ва бошқа шарқ манбаларини ҳам кенг ўрганганлигидан далолат беради¹².

⁶ Климович Л.И. Книга о Коране. – Москва, 1986. – 270 с.

⁷ Пиотровский М.Б. Коранические сказания. – М.: Наука, 1991. – 219 с.

⁸ Резван Е.А. Коран и его мир. – Санкт-Петербург: Петербургское Востоковедение, 2001. – 604 с.

⁹ Алиев А. Коран в России. – М.: Дружба народов, 2004. – 384 с.

¹⁰ Ричард Белл. Коранистика введение. – М.: Диля, 2005. – 256 с.

¹¹ Қаранг: Алиев А. Коран в России. – М.: Дружба народов, 2004. – С. 124-126.

¹² И.Гольдциер. Ислом ҳақида маърузалар // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2000. – Июн. – Б. 141-142.

³ Қаранг: Климович Л.И. Книга о Коране. – Москва, 1986. – С. 117-118.

⁴ Ислам. Историографические очерки. – М.: Наука, ГРВЛ, 1991. – С. 9.

⁵ Журавский А.В. Христианство и ислам. – М.: 1990. – С. 37.

Қуръон йиллар давомида дунё тилларига таржима қилиниб, тадқиқ қилинмоқда. Рус тилига қилинган таржималар илк маротаба XVIII асрнинг бошларида подшоҳ Пётр I нинг ташаббуси билан амалга оширилган.

Ўзбекистонда ҳам бир қатор олимлар собиқ Иттифок даврида Қуръондаги воқеаларни марксистик тузум руҳида ўрганганлар. Масалан, 1986 йилда С.Жабборов томонидан ёзилган «Қуръон афсоналари ва ривоятлари» асари бунга яққол мисолдир.

Ўзбекистон истиқлолга эришганидан кейин, кўплаб фан соҳалари қатори исломшунослик фани ҳам ўз ривожининг янги босқичига ўтди. Ислон тарихининг асл манбаси Қуръоннинг таржима ва нашр ишлари дин – афюн маъносида эмас, балки уни соф илмий нуқтаи назардан ўрганувчи тадқиқот ишлари тарзида амалга оширила бошлади.

Бу даврда Қуръоннинг ўзбек тилидаги тафсир ва маънолар таржималари халқимиз эътиборига тақдим этилди. Бу эса Қуръонни янада чуқурроқ ўрганиш, унга оид кўплаб асарларга мурожаат этишда кўприк вазифасини ўтади. Бу хусусда фал.ф.д., М.Усмонов, фил.ф.д., проф. Б.Ҳасанов, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Шайх Абдулазиз Мансур, фил.ф.д., проф. Ҳ.Кароматов, т.ф.д., проф. А.Ҳасанов, фил.ф.д. проф. З.Исломов ва бошқа олимлар¹³ ушбу соҳада жиддий тадқиқотларни тайёрладилар. Қуръон сирасига кирувчи асбобан-нузул, тажвид, кироат кабиларга оид қатор қимматли асарлар таржима қилинди, мустақил асарлар нашр юзини кўрди.

Юқоридаги Қуръон таржималаридан ташқари ҳам ўзбек олимлари томонидан Қуръон мавзулари ва унда зикр этилган воқеалар тарихи ўрганилган. Масалан, Р.Обидовнинг

«Қуръон мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамияти» асари 2006 йил нашр этилди. 2004 йил чоп этилган Абдуқаҳҳор Шошийнинг «Қуръон қиссалари» таржимасининг биринчи китобида Одамдан Лут пайғамбаргача бўлган қисса ва ривоятлар келтирилган.

Тарих фанлари номзоди, доцент А.Абдуллаевнинг «Қуръоншунослик» ўқув қўлланмаси 2011 йил нашр қилинди.

Қуръон мавзуларини ўрганишда турли даврларда турли ёндашув кузатилади. Масалан, XIX асрнинг 30-йилларида Германия Бон университетининг фалсафа факультетида «Муҳаммад таълимотида яҳудийлик ётади» мавзуида ёзилган иш учун мукофот эълон қилинган. Бу мукофотга ёш олим Авраам Гейгар (1810–1874 йй.)нинг «Was hat Mohammed aus dem Judenthume aufgenommen?» (Бонн, 1833 й.) номли иши сазовор бўлган. Бундан маълум бўладики, ҳар бир иш муайян давр ёки тузумга мослаштириб ёзилган бўлиши эҳтимоли бор. Масалан, бунга Л.И.Климович, В.А.Авксентьев, Р.Р.Мавмонтов, С.И.Жабборовларнинг ишларини мисол қилиш мумкин. Улар Қуръонни марксистик тузум руҳида ўрганганлар.

Доғистонлик профессор Н.Османов 1998 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институтида бўлиб ўтган мулоқот чоғида Қуръоннинг дунёнинг турли тилларига таржималари 1000 дан, тафсирлари эса 1700 дан ортгани ҳақидаги фикрни билдирган эди. Ўтган давр ичида бу рақамлар янада ортган, албатта. Қуръон қатор диний илмларнинг манбаи бўлгани сабабли, унинг мавзуларини тадқиқ этган жаҳон олимлари дунёвий илмлар ривожига ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Бироқ, бутунга қадар қилинган ишлар Қуръонни ўрганиш йўлидаги дастлабки қадам, денгиздан бир томчи, холос. Зеро, Қуръон уммон, унда жам бўлган мавзу гавҳарлари беҳисоб. Бу мавзуларни асл манбалар асосида ўрганиш, илмий тадқиқ этиш ва кенг жамоатчиликка етказиш даврлар оша ўз долзарблигини сақлаб қолиши, шубҳасиз.

¹³ Бу борада М.Усмоновнинг «Қуръони карим ва жаноби Расулulloҳнинг қилган амаллари», Ҳ.С.Кароматовнинг «Ўзбек адабиёти ва Қуръон мавзулари», «Хўрланган пайғамбарлар ғалабаси», Б.Ҳасановнинг «Қуръон илмлари» ва «Қуръон ва тафсир илмлари», А.Ҳасановнинг «Қадимги Арабистон ва илк ислом: Жоҳилия асри», З.Исломовнинг «Муқаддима-л-адаб» асарларини келтириш мумкин.